Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

XDP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

● 2016-yil, 26-yanvar. Seshanba ● 11 (32.070) Ijtimoiy-siyosiy gazeta ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan ● www.uzbekistonovozi.uz

**КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

## ҲОКИМЛАРНИНГ ҲИСОБОТИ ТИНГЛАНМОҚДА

**Шу кунларда республикамизнинг барча вилоятларида 2015 йил якунлари ва 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишларига бағишланган фаоллар йиғилишлари ўтказилмоқда. Мазкур йиғилишларда ҳудудлар иқтисодиётини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилиняпти. Президентимизнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, жорий йилдаги устувор вазифалар белгилаб олиняпти.**

Шу ўринда маълумот учун айтиб ўтиш керакки, 2015 йил июнь ойида тегишли Қонун билан «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунга $25^1$ модда киритилган. Унда ҳокимнинг вилоят, туман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботини халқ депутатлари Кенгаши томонидан эшитиш тартиби белгиланган. Мазкур йиғилишларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси гуруҳлари аъзолари ҳам фаол иштирок этмоқда.

► Давоми 2-бетда.

**ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА**








Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

## ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ҳамда «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгашлари томонидан Тошкент тиббиёт академиясида Соғлом она ва бола йили муносабати билан «Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият фаровон бўлади» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Унда сўзга чиққанлар онани эъзозлаш, саломатлиги ҳақида қайғуриш, болага меҳр бериш, уни яхши тарбиялаш халқимизнинг азалий қадриятларидан экани, айниқса, истиқлол йилларида бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидлашди.

► Давоми 2-бетда.

## ? САВОЛ ВА ЖАВОБ !

*— Эшитишимга қараганда, ноқонуний қурилишлар учун жавобгарлик масаласида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартириш киритилибди. Шу ҳақда тўлиқроқ маълумот олишни истардим.*

**Самандар РАҲИМОВ, Фарғона вилоятидан.**



*Зулайҳо АКРАМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:*

— Қонунчилик палатаси томонидан 2015 йил 27 ноябрда қабул қилинган, Сенат томонидан 2015 йил 4 декабрда маъқулланган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуннинг 6-моддасига мувофиқ, Жиноят кодекси янги модда билан тўлдирилди.

Унга кўра, белгиланган тақиқларни (чекловларни) бузган ҳолда бинолар, иншоотлар ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш мумкин эмас.

Яъни, тақиқлар (чекловлар) белгиланган жойларда шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бинолар, иншоотлар ёки бошқа объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ҳаракатлари учун маъмурий жазо қўлланилади. Агар ушбу ҳолат кейин яна содир этилса, энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

**Андижонда Президентимизнинг 2015 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳиятига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

## СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИДА ЎЗГАРИШЛАР

Андижон вилояти давлат солиқ бошқармаси мутахассислари, корхона, ташкилот, муассасалар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган семинарда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларда солиқ бўйича берилаётган имтиёзлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожида муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Мамлакатимиз солиқ-бюджет сиёсатидаги ўзгаришлар, хусусан, хўжалик субъектлари ва аҳоли даромадларига нисбатан солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бермоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг юқорида зикр этилган қарори асосида юртимизда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, аҳолининг реал даромадларини ошириш мақсадида қатор солиқ ва мажбурий тўловлар ставкалари пасайтирилди, имтиёзлар муддати узайтирилди.

— Қарорда хўжалик ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, қулай тадбиркорлик муҳити яратиш орқали иқтисодиётни янада юксалтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш кўзда тутилган, — дейди Андижон вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Тоҳиржон Қутибоев. — Жумладан, 2016 йилда мобиль алоқа хизмати кўрсатувчи ҳуқуқий шахслар фойда солиғини рентабеллик даражасидан келиб чиқиб тўлаши белгиланган. Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар учун фойда солиғи, мол-мулк солиғи ҳамда микрофирмалар, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этиш бўйича берилган имтиёзнинг муддати 2018 йил 1 январга қадар узайтирилди.

Тадбирда мутахассислар томонидан мавзу доирасида маърузалар ўқилди, солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзларнинг, солиқ ва молиявий ҳисоботларни электрон кўринишда тақдим этишнинг афзалликлари бўйича тақдимотлар ўтказилиб, иштирокчиларга кенг маълумотлар берилди. Солиқ идораларининг интерактив хизматлар бўйича кўргазмалари намойиш этилди.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан атрофлича жавоб олди. Намунали солиқ тўлаётган бир қатор хўжалик субъектлари раҳбарлари эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎзА мухбири.**

## 2015 ЙИЛДА

Бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар **21,9** фоизга, аҳоли жон бошига жами реал даромадлар эса **9,6** фоизга ошди.



**Янгиликлар, Бунёдкорликлар...**

### Фарғона

## Ватан ҳимоячиларига

**янги уйлар топширилди**

Фарғона шаҳрида ҳарбий хизматчилар учун 48 хонадонли кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Бу ҳақда «Фарғона ҳақиқати» газетаси сайти хабар бермоқда.

— 2015 йилда округ қўшинлари ҳарбий хизматчилари учун 67 турар-жой ажратилди. Шунингдек, водий вилоятларида ҳарбийлар ётоқхонаси, хизмат хонадонлари ҳамда ўқув бинолари фойдаланишга топширилди, — деди Шарқий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони Рустам Ҳалилов. — 2016 йилда эса биргина Фарғона вилоятининг ўзида 150 нафар ҳарбий хизматчи намунавий уйлар билан таъминланиши режалаштирилган.

Тадбирда вилоят ҳокимлиги, прокуратураси, ички ишлар, мудофаа ишлари бошқармалари раҳбарлари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, нуронийлар ва ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди. Маросимда Фарғона вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шуҳрат Ғаниев иштирок этди.

### Бухоро

## «Ягона дарча»

**тамойили асосида**

Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан Когон шаҳрида ташкил этилган ўқув семинарда «Ягона дарча» тизимининг мақсад ва вазифалари, мазмун-моҳияти батафсил тушунтирилди.

Бу ҳақда «Бухорономa» газетаси сайти хабар бермоқда. Анжуманда Қоровулбозор тумани, Бухоро ва Когон шаҳарлари ҳокимларининг иқтисодий-ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари ва «Ягона дарча» марказларининг ходимлари, Савдо-саноат палатаси, давлат бошқаруви органлари мутахассислари, тадбиркорлар, ёшлар ҳамда ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари иштирок этди.

Ўқув семинар қатнашчиларига жорий йилнинг 1 январидан фаолият юритаётган «Ягона дарча» марказлари томонидан ишбилармонларга 16 турдаги давлат хизматлари кўрсатилиши, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомилларидан ўтишда шаффофликни таъминлаш, ариза билан мурожаат қилган кишиларга тезкор ахборот тақдим этиш билан боғлиқ масалаларда тушунчалар берилди.

### Самарқанд

## Дастурий ишланмалар

**кўргазмаси**

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги вилоят бошқармаси, бир қатор қўшма корхоналар ҳамда «Узмобайл» корхонаси ҳамкорлигида «Дастурий ишланмалар» кўргазмаси ташкил этилди. Бу ҳақда «Зарафшон» газетаси сайти хабар бермоқда.

Кўргазмада олий ўқув юртларининг бакалавриат ва магистратура йўналишларида таҳсил олаётган талабалар ўзларининг етмишдан ортиқ дастурий ишланмаларини намойиш этишди.

Тадбир доирасида энг яхши дастурчи, WEB, Windows ишланмалар, мобиль илова, техник ишланма номинациялари бўйича танлов ўтказилиб, ғолиб талабаларга ташкилотчилар томонидан диплом ва совғалар топширилди.

**ЎзХДП: ФАКТ ВА РАҚАМЛАР**

2015 ЙИЛДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ВИЛОЯТЛАР ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА ИЖТИМОИЙ СОҲА ВА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МАСАЛАЛАРИГА ОИД 1200 ДАН ОРТИҚ МУРОЖААТ БЎЛДИ. УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛИБ, ҚОЛГАНЛАРИ БЎЙИЧА ТУШУНТИРИШЛАР БЕРИЛДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲЛАРИДА 65 МАСАЛА, ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРДА 67 МАСАЛА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ. 51 МАСАЛА СЕССИЯЛАРГА КИРИТИЛИБ, ТЕГИШЛИ ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАМАНГАН ВИЛОЯТ ТУМАН, ШАҲАР КЕНГАШЛАРИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲЛАРИ ТОМОНИДАН ТЕГИШЛИ ТАШКИЛОТ ВА ИДОРАЛАРГА 320 ГА ЯҚИН ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ЮБОРИЛДИ.

O'ZBEKISTON OVOZI

**КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ**

■Ўз устимизда ишлашимиз, хусусан, фаолиятимизга замонавий, янги талаблар асосида ёндашишимиз лозим.

■ ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

## ҲАМКОРЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ ЗАРУР

Шунингдек, тадбирда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самаралари, тиббий маданиятни юксалтиришга оид тарғибот ишларини кучайтириш масалалари ҳақида фикр алмашилди.

— Бугун репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш, бу борадаги имтиёз ва енгилликлардан аҳоли хабардорлигини ошириш долзарб вазифаларимиздан ҳисобланади, — дейди **«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди ижтимоий маркази мутахассиси Насиба Гаппарова.** — Айниқса, ривожланиши суст бўлган болаларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш сифатини ошириш, ногирон болалар ва ўсмирларни соғломлаштириш, уларнинг жамият ҳаётида тўлақонли қатнашишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда тиббий кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга. Биз ҳамкор ташкилотлар билан ўтказаётган тадбирларимизда ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Тадбир давомида Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд аҳоли қатламлари, хусусан, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, бу борада ижтимоий шерикликни кучайтириш, депутатлик назоратини изчил йўлга қўйиш масалалари юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Наврўз ШОДМОНҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

◄ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

# ҲОКИМЛАРНИНГ ҲИСОБОТИ ТИНГЛАНМОҚДА



*Саида ЖЎРАЕВА,*
*Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:*

***— Фаоллар йиғилишида 2015 йилда вилоят иқтисодиётини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар атрофлича таҳлил қилинди. Ижро ҳокимияти фаолияти танқидий кўриб чиқилди.***

Мисол учун, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлаш масаласига айрим жойларда етарли даражада эътибор қаратилмагани қайд этилди. Бу борада партиямиз гуруҳи аъзолари ташаббускорлик кўрсата олмаганини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Ҳудудлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, жисмоний имконияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оилавий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш каби долзарб масалаларни ечишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз гуруҳлари аъзолари депутатлик сўрови, депутатлик назорати сингари ваколатларидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилди.

Шуни қайд этиш лозимки, вилоятимизда аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. 2015 йилда 74 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Доимий иш билан таъминланганларнинг 26 мингга яқини касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир.

Фикримча, бу билан мазкур йўналишдаги ишимиз ўз якунига етгани йўқ. Жорий йил давомида яратилган иш ўринларининг ҳаққоний экани, коллеж битирувчилари билан тузилаётган уч томонлама шартномаларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат-таҳлил асосида ўрганиб, натижаларни сессияларда муҳокама қилишимиз талаб этилади.

**Шу билан бирга, 2016 йилда касб-ҳунар коллежларига қабул квоталарини белгилашда мазкур туманнинг 3-4 йилга мўлжалланган истиқболи, қандай саноат корхоналари ишга туширилиши, уларга қандай мутахассисликлар зарур бўлиши инобатга олиниши муҳим аҳамиятга эга.**

Партиямизнинг 2016 йилга мўлжалланган Ҳаракат дастурини янада аниқлаштириб олар эканмиз, унда шу каби ўта муҳим ижтимоий масалалар ўз ифодасини топиши лозим, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, бугун ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масаласига нафақат ижро ҳокимияти, балки халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ҳам бевосита масъул эканини унутмаслигимиз, бу жараёнда ҳаммамиз фаол иштирок этишимиз талаб этилади.



*Алишер ТОШМАТОВ,*
*Ўзбекистон ХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:*

***— Йиғилишда дастлаб вилоят ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботи эшитилди. Эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликлар очиқ-ойдин муҳокама этилди.***

Ҳисобот даврида вилоятда қатор ижтимоий соҳа объектида қурилиш ишлари амалга оширилди. Натижада кўплаб соғлиқни сақлаш, болалар спорти иншооти, касб-ҳунар коллежи янгидан қурилди ва реконструкция қилинди. Аҳоли пунктлари тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Шу билан бирга, йиғилишда касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари битирувчиларини, жазони ўташ муассасаларидан озод этилган шахсларни иш билан таъминлашда янада фаоллик кўрсатиш масаласи муҳокама этилди. Бу жараёнда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг иштироки етарли даражада эмаслигини ҳам алоҳида таъкидлашни истардим.

Шуни қайд этиш лозимки, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2016 йилги иш режасига Ўзбекистон ХДП гуруҳи ташаббуси билан вилоятда жисмоний имконияти чекланган кишиларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг бугунги аҳволи тўғрисидаги масалани киритиш таклифини илгари сурмоқдамиз.

Бу барча даражадаги партиямиз гуруҳлари зиммасига катта масъулият юклайди. Электорат манфаатлари билан боғлиқ масалалар туман ва шаҳар Кенгашлари сессияларига доимий равишда олиб чиқилиши лозим. Жорий йилда мана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратамиз.

Қонунчиликка киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар натижасида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ваколатлари тобора кенгайиб бормоқда. Биз бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланишимиз, аҳоли, электорат вакилларининг хоҳиш-истакларини амалга ошириш, сайловчиларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш бўйича қатъийлик кўрсатиб, ҳаётий ташаббуслар билан чиқишимиз зарур.

**Йиғилишда касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари битирувчиларини, жазони ўташ муассасаларидан озод этилган шахсларни иш билан таъминлашда янада фаоллик кўрсатиш масаласи муҳокама этилди.**



*Дилором АБДУРАҲИМОВА,*
*Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:*

***— Фаоллар йиғилишида 2015 йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари чуқур таҳлилий асосда кўриб чиқилди. Ютуқлар эътироф қилиниб, камчиликларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.***

Агар рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, ўтган йилда вилоятда бюджет маблағлари ҳисобидан 88 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Жумладан, 5 соғлиқни сақлаш муассасаси, 19 умумтаълим мактаби, 8 касб-ҳунар коллежи, 16 болалар спорти иншооти, жами 89 ижтимоий объект қурилиб, фойдаланишга топширилди. 34 қишлоқ аҳоли пунктида тоза ичимлик суви таъминоти яхшиланди.

Намунавий лойиҳа асосида 25 массивда 848 уй-жой барпо этилиб, ушбу ҳудудларда 52,6 километр ичимлик суви, 19,2 километр электр, 21,6 километр газ тармоғи тортилди. 27,8 километр ички йўллар қурилди.

Буларнинг барчаси электоратимиз манфаатларини таъминлаш, турмуш даражасини янада оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Бироқ ҳали олдимизда ечимини кутаётган масалалар оз эмас. Бунга йиғилишда алоҳида эътибор қаратилди.

**Инвестиция, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини таъминлашда партия гуруҳларининг ўрнини янада ошириш, депутатлик ва жамоатчилик назорати каби механизмлардан янада самарали фойдаланиш долзарб аҳамиятга эга экани алоҳида таъкидланди.**

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиямиз гуруҳи ташаббуси билан ўтган йили бандлик дастури ижроси, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва савдо нуқталарида пластик карточкадан фойдаланиш тўғрисидаги масала сессия муҳокамасига олиб чиқилди.

Шуни очиқ айтиш керакки, айрим маҳаллий Кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари сессияларга ташаббуслар билан чиқишда қониқарли даражада фаолият олиб боряпти, деб бўлмайди. Мисол учун, ўтган йили Мингбулоқ туман Кенгашидаги партиямиз гуруҳи Ҳаракат дастурида белгиланган масалаларни сессия муҳокамасига олиб чиқишда қатъийлик кўрсата олмади.

Жорий йилда хато ва камчиликларимиздан тўғри хулоса чиқарган ҳолда, фаолиятимизни янада кучайтиришимиз лозим. Хусусан, Соғлом она ва бола йили муносабати билан қабул қилинадиган Давлат дастури ижросини таъминлашда барча партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари фаол иштирок этиши талаб этилади. Чунки она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш масалалари партиямиз Сайловолди дастурида ҳам ўз ифодасини топган.

◄ Давоми. Бошланиши 1-бетда.



*Раимберган САБУРОВ,*
*Ўзбекистон ХДП Хоразм вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:*

***— Фаоллар йиғилиши бу йил янгича тартибда ўтди. Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари иштирок этгани йиғилишнинг танқидий-таҳлилий фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтишини таъминлади, деб ўйлайман. Дастлаб вилоят ҳокимининг ҳисоботи тингланди. Унда қайд этилганидек, 2015 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 10,1, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 21,9, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 5,9, қурилиш ишлари 13,2, чакана савдо айланмаси 12,5, жами хизматлар кўрсатиш ҳажми 13,4 фоизга ўсди.***

Маҳаллий бюджетнинг ижтимоий соҳага ажратилган қисми 77,6 фоизни ташкил этди. Ҳисоботда Ўзбекистон ХДП гуруҳининг асосий эътиборида бўлган масалалардан бири иш ўринлари ташкил этишдир. Вилоят миқёсида 60 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган бўлса, уларнинг 87 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келди. Хусусан, 2015 йилда 747 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ташкил этилиб, шунинг ҳисобидан 4155 иш ўрни яратилди.

**Мана шундай кўрсаткичларга эришишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партиямиз гуруҳи аъзолари иштироки ўзига хос ўрин тутади. Масалан, депутатлик сўрови, Жамоатчилик қабулхоналарига келиб тушган мурожаатлар асосида кўрилган чоралар натижасида жойларда бандлик масалалари янада самарали ҳал этилди.**

Бироқ айрим туман Кенгашларида бу борадаги ишларни янада жонлантириш, камчиликларни бартараф этиш лозим. Хусусан, Шовот, Қўшкўпир, Янгиариқ ҳамда Урганч шаҳар Кенгашларидаги партиямиз гуруҳларига Ҳаракат дастурида кўзда тутилган масалаларни сессия муҳокамасига олиб чиқишда ташаббускорлик етишмади.

Демак, жойларда маҳаллий давлат ҳокимияти бошқаруви органлари раҳбарларининг ахборот ва ҳисоботларини эшитиш амалиётини янада кенгайтириш, жорий йилга мўлжалланган режамизда ушбу долзарб масалага алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

**Нурали ОРИПОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

■ ТАДБИР

## ЁШЛАР БАЙРАМИ

***ЎзХДП Узун туман кенгаши ташаббуси билан тумандаги хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ёшлар байрами ташкил қилинди. Тадбирдан кўзланган мақсад ёшлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзи тарғиботини кучайтиришдан иборат бўлди.***

— Туманда 150 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилса, уларнинг асосий қисми ёшлардир, — дейди **ЎзХДП Узун туман кенгаши раиси Насиба Тўраева.** — Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш йўлида партиямиз томонидан қатор амалий ишлар қилинмоқда. Ўтган йили олис ҳудудларда кўплаб учрашувлар ташкил этилди. Маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Ёшларни қизиқтирган масалалар атрофлича ўрганилиб, уларни бартараф қилиш чоралари кўрилди. 2015 йилда 200 нафарга яқин йигит-қиз сафимизга қўшилди.

Тадбир доирасида маҳаллалар ўртасида волейбол бўйича мусобақа ҳам ўтказилди. Қизғин ва муросасиз баҳслар якунида «Файзобод» маҳалла фуқаролар йиғини ёшлари 1-ўринни қўлга киритган бўлса, «Хурсанд»ликларга 2-ўрин насиб қилди. «Файзова» ва «Маданий турмуш» маҳаллалари жамоалари эса 3-ўринни эгаллашди. Ғолибларга ЎзХДП Узун туман кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда концерт дастури намойиш қилинди.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

■ ҚАШҚАДАРЁДАН ХУШХАБАРЛАР

**— Мен узоқ йиллар деҳқончилик қилдим, — дейди яқин дўстим Ғулом Эрназаров. — Билдимки, уруғда гап кўп бўларкан. Агар ғалла ва пахтанинг маҳаллий шароитга мос уруғи яратилса, синовдан ўтса, деҳқоннинг омади келди, деяверинг.**

## ЯНГИ ПАХТА НАВИ

Ҳақ гап. Юртбошимиз ўтган йили Қашқадарёга ташрифи чоғида Касби туманидаги учрашувда ғалла ва пахтанинг истиқболли навларини яратиш ҳақида ҳам гапирган эди.

2015 йил бу борада анча муваффақиятли йил бўлди. Маълумки, уруғ яратиш ниҳоятда машаққатли жараён. Ўзбекистон пахтачилик институтининг Қашқадарё вилоят филиали селекционерлари янги нав истиқболини асослаб беришди. Узоқ вақт турли тажрибалар ўтказилди. Натижада «ЎзПИТИ-2601» пахта нави юзага келди. Бунинг учун воҳа далаларида кўп йилдан буён экиб келинаётган «Бухоро-6» ва «Гулсара» навлари ўзаро чатиштирилди. Бу йил янги нав 23 фермернинг 752 гектар ер майдонига экилди. Уруғи алоҳида ажратиб олинди. Тола чиқиши, чигитдан ёғ ажратилиши жиҳатидан янги нав бошқаларидан анча устун.

## БОҒ ҚАЙТАДАН БАРПО ЭТИЛДИ

— Келинг, кўринг, қандай ажойиб боғ бўлди, — дея қувониб хабар берганди **ЎзХДП Муборак туман кенгаши раиси Алиме Парпиева.** — Шаҳримиздаги истироҳат боғи қайтадан барпо этилди. Кўркам, барча шароит яратилган...

Дарҳақиқат, Муборак шаҳридаги истироҳат боғи бугунги кун талабига жавоб бермас эди. Вазирлар Маҳкамасининг маданият ва истироҳат боғларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қарори асосида бу ерда катта ишлар бошланиб кетди.

Ҳар томонлама пишиқ тайёрланган лойиҳа асосида боғ бутунлай қайта бунёд қилинди. Эски аттракционлар ўрнига янгилари ўрнатилди. Йўлаклар тартибга солинди. Одамлар бемалол дам олиши учун 21 айвон қурилди. Мусиқали фаввора эса кўрган кўзни қувонтиради. Тоғ тошларидан шаршара ва унинг яқинида ҳовуз қилинди. Оҳу, лайлак ва бошқа қуш ҳамда жониворларнинг ҳайкаллари болалар эътиборини тортади, ҳайвонот дунёси ҳақидаги тасаввурини бойитади. Хуллас, 5 гектар жойни эгаллаган истироҳат боғи муборакликлар учун ажойиб туҳфа бўлди. Боғни Муборак газни қайта ишлаш корхонаси бунёд этди.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



БУХОРО ВИЛОЯТИДА 13 ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. ЎТГАН ЙИЛИ УЛАРГА ФУҚАРОЛАР ТОМОНИДАН 996 МУРОЖААТ БЎЛДИ. УЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ИЖОБИЙ ЕЧИМ ТОПДИ.

## ТИББИЁТДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

■ «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди ва 2016 йил 5 январда матбуотда эълон қилинди.

# Фармацевтика фаолияти ривожланмоқда

**Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар туфайли аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларнинг олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашни ташкил этиш ишлари йилдан-йилга такомиллашиб, сифат жиҳатидан яхшилаб борилмоқда. Бу жараёнда аҳолини сифатли ва самарадор дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлаш ҳам ана шу ислоҳотларнинг ажралмас қисмига айланди.**



ЎзА олган сурат.

Мазкур тизимдаги фаолиятлар 1997 йилда қабул қилинган ва жорий йилнинг 5 январига қадар амалда бўлган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солиб келинаётган эди. Ушбу қонун қабул қилинган пайтда республикамизда атиги иккита фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатаётган ва 30 га яқин турдаги дори воситалари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда 117 фармацевтика корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан 1655 турдаги дори воситаси, 175 турдаги тиббий буюм ва 44 номдаги тиббий техникалар ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан бир қаторда, мамлакатимизда дори воситалари сифатини назорат қилиш тизими яратилган бўлиб, уларнинг таркибида саккизта тиббий маҳсулотни сертификатлаштириш органи, 15 назорат-таҳлил лабораторияси фаолият кўрсатмоқда.

Мазкур қонун билан республикамизда фармацевтика саноатининг ривожланишига асос солинган бўлса, ўтган йиллар мобайнида дунёда ва юртимизда фармацевтиканинг жадал ривожланиши, соҳага кириб келаётган ўзгариш ва янгиликлар туфайли 18 йил аввал қабул қилинган Қонуннинг бир қатор нормалари бугунги кун талабига жавоб бермай қолди. Жумладан, аввалги таҳрирда мавжуд бўлган айрим тушунчаларнинг амалиётда қўлланилмаслик ҳолати мавжуд эди.

Қонуннинг эски таҳририда дори воситалари ва фармацевтика фаолиятини мувофиқлаштириш борасида Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан амалга ошириб келинаётган қатор нормалар ҳам ўз аксини топмаган эди. Шунингдек, баъзи моддалар халқаро стандартлар талабига мос келмас эди. **Ушбу масалалар инобатга олиниб, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди ва 2016 йил 5 январда матбуотда эълон қилинди.**

Мазкур янги Қонунни тайёрлаш жараёнида дори воситалари ва фармацевтика фаолияти бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартлари, ривожланган хорижий давлатлар қонунлари таҳлил этилди ва мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солиш бўйича тажрибаси ўрганилди.

Шунингдек, янги Қонунда Вазирлар Маҳкамаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг дори воситалари ҳамда фармацевтика фаолиятидаги ваколатлари янада кенгайтирилди. Хусусан, унинг 7-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатларида бу соҳадаги ҳудудий дастурларни тасдиқлаши ва амалга ошириши, тегишли ҳудудлардаги давлат даволаш-профилактика муассасалари ва аҳолини дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлашда иштирок этиши кабилар белгиланди.

> **Аввалги қонунга асосан дорихоналарни фақаттина олий маълумотли фармацевт бошқаришига рухсат бериларди. Бугунги амалиётдан келиб чиқиб, дорихона филиалларини олий ёки ўрта махсус маълумотга эга фармацевт ҳам бошқариши мумкинлиги ҳақида меъёр киритилди. Бу тиббиёт коллежларининг фармацевтика йўналишларини битираётган минглаб ёшларнинг бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.**

Аввалги қонунга асосан дорихоналарни фақатгина олий маълумотли фармацевт бошқаришига рухсат бериларди. Бугунги амалиётдан келиб чиқиб, дорихона филиалларини олий ёки ўрта махсус маълумотга эга фармацевт ҳам бошқариши мумкинлиги ҳақида меъёр киритилди. Бу тиббиёт коллежларининг фармацевтика йўналишларини битираётган минглаб ёшларнинг бандлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумки, дори препаратлари йўриқномаларига риоя этилмаса, организмда ножўя таъсирлар юзага келади. Бундай ҳоллар баъзан ногиронликка, ҳаттоки ўлимга олиб келиши мумкин. Таҳлилларга кўра, дунё бўйича дори воситаларига ножўя реакциялар натижасида юзага келадиган ўлим ҳолатлари юрак-қон-томир, саратон, сил касалликларидан кейин тўртинчи ўринда туради. **Ушбу фаолиятнинг қонуний асосларини яратиш мақсадида қонунчиликка «ножўя реакция» тушунчаси киритилиб, Соғлиқни сақлаш вазирлигига дори воситаларининг ножўя таъсирини аниқлаш, баҳолаш ва олдини олиш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш вазифаси юкланди.**

Бу соғлиқни сақлаш тизимида, соҳага алоқадор барча юридик шахслар билан қонуний иш олиб бориш, ножўя реакцияларни ўз вақтида аниқлаш ва инсон саломатлигини сақлаш йўлида тегишли қарорлар қабул қилиш учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Мазкур қонуннинг 23-моддаси дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш, ташиш ҳамда йўқ қилиш қоидаларини ҳам ўз ичига олган. Ушбу қоиданинг киритилиши дори воситалари ва тиббий буюмларни сақлаш, ташиш ҳамда йўқ қилинишига бўлган талабларнинг кучайтирилганлигидан далолатдир.

Бундан ташқари, ушбу Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ, жисмоний шахслар томонидан дори воситаларини ва тиббий буюмларни давлат рўйхатидан ўтказмасдан ҳамда божхона расмийлаштирувисиз олиб кириш ва олиб чиқишга рухсат берилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Жумладан: мамлакатда бўлиш даврида жисмоний шахслар томонидан шахсий фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида яшаб турган беморни даволаш-профилактика муассасаси томонидан тасдиқланган тиббий кўрсатма асосида даволаш учун мўлжалланган бўлса;

дипломатик ваколатхоналарнинг ва уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг дипломатик ҳамда маъмурий-техник ходимлари, шу жумладан, улар билан бирга яшаб турган оила аъзоларининг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган бўлса;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келаётган ёки унинг ҳудудидан чиқиб кетаётган транспорт воситасининг йўловчиларига биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун мўлжалланган ва тиббий дорилар қутичаси таркибига киритилган бўлса.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қонун аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлашга, соғлом авлодни тарбиялаш, хавфсиз ва самарадор бўлган дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар таъминотини кенгайтиришга хизмат қилади.

**Отабек МИРЗАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош мутахассиси.**

## ■ ЯНГИЛИКЛАР

**15-24 январь кунлари Германия пойтахти Берлин шаҳрида ташкил этилган «Яшил ҳафта — 2016» анъанавий халқаро қишлоқ хўжалик ярмаркасида дунёнинг 68 мамлакатидан 1730 компания ва фермер хўжаликлари иштирок этди. Бу ҳақда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги матбуот хизмати хабар бермоқда.**

### «Яшил ҳафта — 2016» доирасида
#### 91,2 миллион АҚШ долларлик шартнома ва битимлар имзоланди

Мазкур кўргазма доирасида бўлиб ўтган қишлоқ хўжалик вазирлари саммитида 65 вазир ва сектор компанияларнинг 655 нафар раҳбари иштирок этди.

Ўзбекистон делегациясига Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Элёр Ғаниев раҳбарлик қилди. Халқаро кўргазмада Озиқ-овқат саноати корхоналари ассоциацияси, «Ўзвиносаноат-холдинг», «Ўздонмаҳсулот» компанияси, қатор ташқи савдо компаниялари ҳамда Фермерлар уюшмаси вакиллари қатнашди.

Қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, боғдорчилик ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш бўйича энг сўнгги янгиликлар намойиш этиладиган ушбу ярмаркада 400 мингдан ортиқ киши иштирок этди.

Мазкур ҳафталик доирасида Ўзбекистон делегацияси томонидан Европа мамлакатларига мева-сабзавот ва тўқимачилик маҳсулотлари экспорт қилиш бўйича 91,2 миллион долларлик шартнома ва битимлар имзоланди.

### Намангандан Екатеринбургга
#### тўғридан-тўғри авиарейслар йўлга қўйилди

**2015 йил 31 декабрдан Наманган — Екатеринбург — Наманган йўналиши бўйича «Урал ҳаво йўллари» рейслари учун авиачипталар сотиш бошланди. Бу ҳақда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси матбуот хизмати хабар бермоқда.**

Рейслар «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ва «Урал ҳаво йўллари» ўртасида имзоланган битим доирасида йўлга қўйилди.

Парвозлар ҳафтасига бир марта, ҳафтанинг тўртинчи куни «Урал ҳаво йўллари»нинг Airbus 320 самолётларида амалга оширилади.

### «Халқаро электралоқа иттифоқининг 150 йиллиги»
#### почта маркаси чиқарилди

**Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан 2016 йил 15 январдан «Халқаро электралоқа иттифоқининг 150 йиллиги» номли почта маркаси муомалага киритилди. Бу ҳақда uzinfocom.uz сайти хабар бермоқда.**

Бутунжаҳон почта иттифоқининг тавсиясига кўра, Халқаро электралоқа иттифоқининг 150 йиллик юбилейи нишонланади. Почта маркаси айнан шу санага бағишланди.

Почта маркаси почта блоки кўринишида чоп этилган. Унга электралоқа соҳасига оид замонавий технологиялар тасвири туширилган. Почта маркаси бир неча рангда ишланган.

## Дунё

### ҚУЁШ ТИЗИМИДА
#### ердан ўн баробар катта бўлган янги сайёра кашф қилинди

**Бу маълумот Пасаденадаги Калифорния технология университети олимлари томонидан «Астрономия» журналида эълон қилинди. Бу сайёра қуёш тизимининг энг чекка қисмида, Плутон орбитасидан сал нарида жойлашган.**

Ушбу сайёра ҳозиргача номаълум бўлиб келган. Олимлар уни ўзига яқин бошқа осмон жисмларига кўрсатаётган гравитацион таъсири орқали аниқлашган. Ҳозирча номланмаган ва расман тасдиқланмаган ушбу сайёра ўлчамлари Нептун ҳажмига яқин деб баҳоланмоқда.



Номаълум сайёранинг массаси ерга қараганда деярли 10 баробар катта бўлиб, унинг қуёш атрофидан тўлиқ айланиб чиқиш даври 15000 йил деб айтилмоқда. Тузилишига кўра, ушбу сайёра Нептун, Сатурн, Юпитер ва Уран сингари газ-гигантлари туркумига киради. У қуёш тизимида бундан 4,5 миллиард йил муқаддам пайдо бўлгани тахмин қилинмоқда.

Ушбу кашфиётнинг расман тасдиқланиши учун олимлар беш йил мобайнида сайёрани астрономик телескоп орқали кузатиб бориши лозим. Улар ана шу мақсадда Браун ҳамда Батигин Гавайи оролларида жойлашган Японияга тегишли «Субару» телескопини ижарага олишди.

1846 йилда худди шундай йўсинда, яъни аслида ҳали ҳеч ким телескопда кўрмаган номаълум сайёранинг бошқа осмон жисмларига гравитацион таъсири орқали янги сайёра — Нептун кашф қилинган эди. Ушбу кашфиётни француз астрономи Урбан Левере амалга оширган бўлиб, у математик ҳисоб-китоблар орқали янги сайёранинг орбитасини, массаси ва осмоннинг қайси қисмида эканини аниқ айтиб бера олган.

Лекин бу вақтларда олимлар ихтиёрида Нептунни кўра оладиган кучли телескоплар бўлмаган. Шу сабабли уларнинг кашфиётини анча вақт ўтгандан кейин, Берлин расадхонасида Иоганн Энке ҳамда унинг шогирди Генрих д'Арре телескопда, Левере ҳисоблаган нуқтадан атиги 1° фарқ билан аниқ кўришган.

### ЯПОНИЯЛИК 105 ЁШЛИ ҚАРИЯ
#### югуриш бўйича жаҳон рекордини ўрнатди

**Кунчиқар мамлакатда яшовчи Хидэкити Миядзаки 105 ёшида 100 метр масофани 42,22 сонияда югуриб ўтиб, жаҳон рекордини ўрнатди.**

Мазкур натижа билан у Гиннес рекордлар китобига кирди. Айтиш керакки, ушбу спортчи юз метр масофани 36 секундда босиб ўтишни режалаштирган эди. Чунки у 103 ёшида юз метр масофани 34,1 сонияда босиб ўтган.

Хидэкити кучли иродаси ва соғлиғи жуда яхши эканлигидан фахрланади.

Маълумот ўрнида шуни айтиш керакки, японияликларнинг ўртача ёши йил сайин ошиб бормоқда. Мамлакатда 80 ёшдан ошганлар 10 миллионни ташкил қилади, шунинг 65 минг нафари эса юз билан юзлашганлардир.

■ ЭЪЛОН

КОРХОНА ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Наманган вилояти ҳокимлиги Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси

**қуйидаги иншоотларга танлов савдоларини эълон қилади**

| Т/р | Объектлар номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан сўм | Бошланғич нархи ҚҚСсиз сўм | Бажариш муддати |
|---|---|---|---|---|
| Лот-18/1 | Норин тумани, «Хўжаобод» ҚФЙдаги 28-умумтаълим мактаби учун ёрдамчи хонаси билан 12х24м ўлчамли спортзал қуриш | 704 920 764 | 587 433 970 | 180 кун |
| Лот-18/2 | Поп тумани, «Уйғур» ҚФЙ, «Уйғур» МФЙдаги 4-умумтаълим мактаби учун ёрдамчи хонаси билан 12х24м ўлчамли спортзал қуриш | 701 082 358 | 584 235 298 | 180 кун |
| Лот-18/3 | Поп тумани, «Ғурумсарой» ҚФЙ, «Мозор» МФЙдаги 28-умумтаълим мактаби учун ёрдамчи хонаси билан 12х24м ўлчамли спортзал қуриш | 703 450 801 | 586 209 001 | 180 кун |
| Лот-19/1 | Наманган шаҳридаги 1-сон Давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернат учун ёрдамчи хонаси билан 12х24м ўлчамли спортзал қуриш | 707 652 109 | 589 710 091 | 180 кун |
| Лот-19/2 | Косонсой тумани, Косонсой шаҳри, Гулобод маҳалласидаги 46-умумтаълим мактаби учун ёрдамчи хонаси билан 12х24м ўлчамли спортзал қуриш | 709 607 501 | 591 339 584 | 180 кун |
| Лот-19/3 | Янгиқўрғон тумани, «Шарқ юлдузи» ҚФЙ, «Гаистон» МФЙдаги 5-умумтаълим мактаби учун ёрдамчи хонаси билан 12х24м ўлчамли спортзал қуриш | 798 074 915 | 665 062 430 | 180 кун |

**Буюртмачи:** Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилояти ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.

Тел: (0-369) 233-53-78, 233-06-11.

**Лойиҳани молиялаштириш: Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан амалга оширилади.**

**Диққат!** *Танлов савдолари (тендерлар)ни ўтказишда, бошқа тенг шарт-шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.*

**Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:** танлов савдоларида фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудратчи ташкилотларнинг иштирок этишига рухсат этилади, танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари, мутахассисларнинг мавжудлиги, танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ҳамда ишончли бўлишлари шарт.

Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: қатнашчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган тендер таклифлари қатнашчиларининг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Наманган вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича:** Наманган шаҳар, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй, Тел.факс (0-369) 227-94-30, 227-91-47 мурожаат қилиш мумкин.

Танлов ҳужжатлари битта тўпламининг нархи объект қийматига қараб: 500 миллион сўмгача — 140 000 сўм, 500 миллион сўмдан 1 миллиард сўмгача — 160 000 сўм, 1 миллиард сўмдан юқорисига — 186 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда очилади: Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 22-уй.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2016 йил 26 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | |
|---|---|
| ■ 1 Австралия доллари | 1986,57 |
| ■ 1 Англия фунт стерлинги | 4049,60 |
| ■ 1 Дания кронаси | 410,33 |
| ■ 1 БАА дирҳами | 770,89 |
| ■ 1 АҚШ доллари | 2831,49 |
| ■ 1 Миср фунти | 361,62 |
| ■ 1 Исландия кронаси | 21,66 |
| ■ 1 Канада доллари | 2003,18 |
| ■ 1 Хитой юани | 430,44 |
| ■ 1 Россия рубли | 35,14 |
| ■ 1 Украина гривнаси | 114,21 |
| ■ 1 Малайзия ринггити | 659,41 |
| ■ 1 Польша злотийси | 687,17 |
| ■ 1 СДР | 3905,19 |
| ■ 1 Туркия лираси | 943,89 |
| ■ 1 Швейцария франки | 2792,40 |
| ■ 1 ЕВРО | 3090,80 |
| ■ 10 Жанубий Корея вони | 23,75 |
| ■ 10 Япония иенаси | 238,60 |

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*



БУГУНГИ КУНДА СОЛИҚ ВА СТАТИСТИКА ҲИСОБОТЛАРИ 100 ФОИЗ ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ ТАҚДИМ ЭТИЛМОҚДА.

**ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ!**

**2015 йилги мавсумда таэквондо WTF терма жамоамиз аъзолари 20 га яқин халқаро мусобақада иштирок этиб, 46 олтин, 37 кумуш ва 35 бронза, жами 118 медални қўлга киритди.**

## ЯНГИЛИКЛАР

### 507 ихтиро

**муаллифлари талабнома топширган**

**Интеллектуал мулк агентлиги 2015 йилдаги фаолияти якунларини сарҳисоб қилди. Бу ҳақда агентлик расмий сайти хабар бермоқда.**

Қайд этилишича, 2015 йил мобайнида агентликда жами ишлаб чиқариш ҳажми 113,2 фоизга, кўрсатилган хизматлар 108,5 фоизга ўсган.

Агентлик томонидан интеллектуал мулк объектларини рўйхатга олиш бўйича талабномалар қабул қилиш 11,5 фоизга ортган. Шунингдек, ихтироларга 507, фойдали моделларга 190, саноат намуналарига 238, товар белгиларига 5 мингдан зиёд, селекция ютуқларига 25, ЭҲМ дастурларига 521, маълумотлар базасига 15 талабномалар қабул қилинди.

Интеллектуал мулк объектларига 6 минг 867 талабнома бўйича давлат экспертизаси ўтказилди. Давлат реестрларида 2 мингдан ортиқ интеллектуал мулк объекти рўйхатга олинди.

### Хадра қишлоғида

**янги иншоот**

**Қўшкўпир туманидаги Хадра қишлоғида мукаммал таъмирдан чиқарилган «Хадра» маданият ва аҳоли дам олиш маркази иш бошлади. Мазкур маскан қурилиши учун 430 миллион сўм маблағ сарфланди. Шундан 98 миллион сўми жиҳозлаш ва мусиқа асбоблари харид қилишга йўналтирилди. Бу ҳақда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги расмий сайти хабар бермоқда.**

Эндиликда ушбу даргоҳда қўшиқ, рақс, рубоб, доира, тасвирий санъат, бичиш-тикиш ва шоҳмот-шашка тўгараклари фаолият кўрсатади. Шунингдек, муҳташам томошалар залида маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказиш мумкин.

### 27 январь куни

**мамлакатимизда қор ёғиши кутилмоқда**

**26—27 январь кунлари Ўзбекистонда ҳаво ҳарорати пасайиши кутилмоқда. Бу ҳақда «Ўзгидромет» расмий сайти хабар бермоқда.**

Унда ёзилишича, юртимизда 26 январдан бошлаб ҳаво ҳарорати пасайиши мумкинлиги айтилмоқда. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 26-27 январь кунлари кечаси ҳаво ҳарорати -7 даражагача, Бухоро, Навоий, Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида -3 даражагача пасаяди.

25 январь куни фақат Қорақалпоғистон ва Хоразмда, 26-27 январь кунлари бутун Ўзбекистон бўйлаб ёғингарчилик кузатилади. 27 январь куни ёмғир қорга айланиши мумкин. Деярли барча ҳудудларда туман тушиши эҳтимоли бор.

# Ўзбек ёшлари япон олимлари билан

## илмий соҳада ҳамкорлик қилишади

**Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетида ўтказилган семинарда Ўзбекистон-Япония ёшларининг инновация марказини ташкил этиш, ёш олимлар томонидан яратилаётган ихтиролар ҳамда илғор инновацион ғояларни ҳаётга татбиқ этиш, ҳақида сўз борди. Унда Япониянинг Нагоя, Цукуба университетлари олимлари, ТошДТУ профессор-ўқитувчилари ва ёш олимлари иштирок этди.**



Семинар доирасида ёш олимлар лойиҳаларининг тақдимоти ҳам ўтказилди. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, тақдимотлар инглиз тилида ташкил этилди. Анжуман иштирокчилари, Япония делегацияси аъзолари университет факультетлари, кафедра ҳамда лабораторияларида бўлиб, бажарилаётган илмий тадқиқот ишлари билан яқиндан танишди, иқтидорли талабалар, магистр ва ёш олимлар билан мулоқотда бўлдилар. Меҳмонларда «Ёш ихтирочилар» мактаби аъзоларининг инновацион ғоялари катта қизиқиш уйғотди. Улар илмий лабораторияларда олиб



борилаётган иш жараёнларини бевосита кузатиш имкониятига ҳам эга бўлишди.

Бугунги кунда Тошкент давлат техника университети базасида Ўзбекистон — Япония ёшларининг инновация марказини ташкил этиш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Мутасаддиларнинг таъкидлашича, мазкур марказда ёш олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб боришлари учун халқаро андозаларга мос илмий лабораториялар ва барча шароитлар яратилади. Жумладан, улар Япония олий ўқув юртлари фаолияти билан яқиндан танишиш имконига ҳам эга бўлади.

Марказда дастлаб университетнинг юз нафардан зиёд ёш олими илмий-тадқиқот олиб бориши режалаштирилмоқда. Шунингдек, хорижий олий ўқув юртларининг магистрлик ва докторлик дипломига эга бўлган ўзбекистонлик мутахассисларни марказ фаолиятига кенг жалб этиш, иқтидорли ёшларни Япония университетларига илмий амалиётга юбориш ҳам кўзда тутилмоқда.

Республика иқтисодиётининг энг зарур соҳалари бўлган «Материалшунослик ва нанотехнология», «Машинасозлик ва металлургия», «Кимё технологияси ва биотехнология», «Энергетика, ноанъанавий энергия манбалари электроникаси», «Атроф-муҳит муҳофазаси, сувни тозалаш технологияси» каби мавзулар марказ фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида белгиланди.

Январь ойининг бошида ТошДТУда Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси Фумихико Като, «JICA» Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги раҳбари Масао Шикано, Нагоя университетининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Ижрочи директори иштирокида Ўзбекистон — Япония ёшларининг инновация марказини ташкил этишга бағишланган учрашув ўтказилганди. Унда ТошДТУ профессор-ўқитувчилари ва ёш олимлари марказ ва унинг лабораториясида амалга ошириладиган лойиҳалар юзасидан маъруза қилди. Учрашув сўнггида элчи Фумихико Като ёш олимлар томонидан ўтказилган лойиҳалар тақдимотига юқори баҳо берди.

> **Меҳмонларда «Ёш ихтирочилар» мактаби аъзоларининг инновацион ғоялари катта қизиқиш уйғотди.**

— Япон олимлари университетимиз ҳаёти билан яқиндан танишди, — дейди **Тошкент давлат техника университети доценти, техника фанлари доктори Хуршидбек Маҳмудов.** — Улар Ўзбекистондаги ёш олимларнинг изланишларига юқори баҳо беришди ва ҳамкорлик қилиш учун ўз розиликларини билдиришди. Мен ўз докторлик ишимни Япониянинг Кюшу Император университетида ҳимоя қилдим ва келажакда Японияда олган билимимни ТошДТУда таълим олаётган талабаларга бераман ва ўз тажрибамдан келиб чиқиб, марказнинг ривожланишига хиссамни қўшмоқчиман.

— Япония техника соҳасида дунёдаги етакчи мамлакат ҳисобланиши ҳеч кимга сир эмас, — дейди **Тошкент давлат техника университети профессори Муҳаммадкабир Баҳодирхонов.** — Шу боис уларнинг университетимизда олиб борилаётган ишларга берган баҳосидан мамнунмиз.

Япония университетлари делегациясининг юртимизга ташрифи икки мамлакат олимларининг ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

**Шаҳбоз САИДОВ**

## СПОРТ

**Таэквондо WTF бўйича Ўзбекистон терма жамоаси апрель ойида Филиппин пойтахти Манила шаҳрида ўтказиладиган нуфузли мусобақага қизғин ҳозирлик кўрмоқда. XXXI ёзги Олимпиада ўйинларининг йўлланмалари ўйналадиган мазкур мусобақада ўз вазн тоифаларида 1-2-ўринларни банд этган спортчилар «Рио — 2016» Олимпия ўйинларининг йўлланмасига эга бўладилар. Бу ҳақда Миллий олимпия қўмитаси расмий сайти хабар бермоқда.**

### Таэквондочиларимиз

**навбатдаги нуфузли мусобақага ҳозирлик кўришмоқда**

Ушбу мусобақа олдидан Манила шаҳрида Осиё чемпионати баҳслари ҳам бўлиб ўтади. Ҳар икки нуфузли турнирга пухта ҳозирлик кўриш мақсадида Александр Ким бошчилигидаги эркаклар терма жамоамиз 14-28 январь кунлари Бангкок шаҳрида Таиланд терма жамоаси аъзолари билан ҳамкорликда ўқув-машғулот йиғинини ўтказади.

Таиландга йўл оладиган терма жамоамиз таркибидан Дмитрий Шокин, Жасур Бойкўзиев, Максим ва Никита Рафалович, Валентин Хегай, Темур Ўролов, Мирзанозим Шаропов ўрин эгаллаган.

Эслатиб ўтамиз, айни пайтга келиб юртимиз таэквондочилари ҳисобида «Рио — 2016» Олимпия ўйинларига битта йўлланма бор. Таэквондочиларимиз Филиппин пойтахтида ўтказиладиган навбатдаги мусобақада ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ҳолда ва XXXI ёзги Олимпиада ўйинларига йўл оладиган терма жамоамиз таркиби янада кенгайишига ишонамиз.

2015 йилги мавсумда таэквондо WTF терма жамоамиз аъзолари 20 га яқин халқаро мусобақада иштирок этиб, 46 олтин, 37 кумуш ва 35 бронза, жами 118 медални қўлга киритди.

**Ўз мухбиримиз.**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

EMMM

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузайтиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузатгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилинг.

**БИЗНИНГ МАНЗИЛЛАР:**

**Тошкент шаҳри,** Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», тел: 202-61-71, 230-61-13.
**Андижон шаҳри,** Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хона, тел: 230-64-65.
**Бухоро шаҳри,** академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, тел: 230-64-66.
**Жиззах шаҳри,** Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, тел: 230-64-68.
**Нукус шаҳри,** Ерназар Алакоз кўчаси, ШАТС биноси, тел: 230-64-75.
**Қарши шаҳри,** 2-микрорайон, 43-уй, 62-хона, тел: 230-64-78.
**Навоий шаҳри,** Амир Темур кўчаси, 4-уй, 802-хона, тел: 230-64-69.
**Наманган шаҳри,** Марғилон кўчаси, 8-А уй. 2-корпус, 54-хона, тел: 230-64-72.
**Самарқанд тумани,** Ўрташиқ қишлоғи, Радио шаҳарча, тел: 230-64-80.
**Термиз шаҳри,** Ат-Термизий кўчаси, 28-уй, тел: 230-64-79.
**Гулистон шаҳри,** Мустақиллик кўчаси, 54-уй, тел: 230-64-67.
**Фарғона шаҳри,** Алишер Навоий кўчаси, 37-Г уй, 36-хона, тел: 230-64-74.
**Урганч шаҳри,** Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй, 23-хона тел: 230-64-77.




MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari), Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 159
17390 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 20.40
Topshirilgan vaqti — 23.40
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Temur XUDOYBERDIEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5